

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Ёшлар ишлари агентлиги
директорининг биринчи
ўринбосари – харид комиссияси раиси**



Ж.Ходжаев

Ёшлар саводхонлигини ошириш, улар ўртасида китобхонликни оммалаштириш, ёшларнинг ўз соҳасида муваффақиятга эришишларига кўмаклашиш, уларнинг ишбилармонлиги ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш лойиҳасини амалга ошириш хизматини кўрсатиш юзасидан

**ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА ХАРИД ҚИЛИШ
ХУЖЖАТИ**

Тошкент 2022 йил

VII. БОБ. ЁТКАЗИБ БЕРИЛАДИГАН ИШ ВА КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАРГА НАРХ ВА ТЕХНИК ТАЛАБЛАР

1. Умумий маълумотлар

1.1. Тўлиқ номи: Ёшлар саводхонлигини ошириш, улар ўртасида китобхонликни оммалаштириш, ёшларнинг ўз соҳасида муваффақиятга эришишларига кўмаклашиш, уларнинг ишбилармонлиги ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш лойиҳасини амалга ошириш хизматини кўрсатиш юзасидан энг яхши таклифларни танлаш ўтказиш.

1.2. Буюртмачи: Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги.

1.3. Хизматлар кўрсатиш ва ишларни бажариш бўйича энг яхши таклиф: **Буюртмачи томонидан ўтказилган танлаш натижаларига кўра аниқланади.**

1.4. Хизмат (иш)ларнинг максимал нархи: ҚҚС билан 900 000 000 (Тўққиз юз миллион) сўм.

1.5. Хизмат кўрсатиш ва ишларни бажариш муддати: **50 кун.**

1.6. Молиялаштириш манбалари: Ёшлар ишлари агентлигининг Ёшларга оид давлат сиёсатини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан.

2. Техник талаблар

1. Амалга ошириладиган лойиҳалар:

- китоб мутолаасини ёшлар ўртасида оммалаштириш мақсадида янги нашр қилинган китоблар тақдимотини ташкиллаштириб бориш лойиҳасини йўлга қўйиш;

- ёшлар ўртасида саводхонлик, нотиклик маҳоратларини ошириш мақсадида Мунозара клуб лойиҳаси фаолиятини йўлга қўйиш;

- ёшларнинг ўз соҳасида муваффақиятга эришишларига кўмаклашиш, уларнинг ишбилармонлиги ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш мақсадида “ишбилармон ёшлар” (ишчи номи) лойиҳаси доирасида юқори нуфузга эга, муваффақиятга эришган етакчи ишбилармон, тадбиркор, спикер, менторлар, илм-фан, адабиёт соҳасининг намоёндалари, турли соҳа етакчилари (раҳбарлар), йирик компания (иш берувчилар) вакиллари билан ёшлар учрашуви лойиҳаси фаолиятини йўлга қўйиш;

- лойиҳа тарғиботи учун видеоролик тасвирга олиш.

2. Фойдаланиш мақсадлари:

- ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, иқтидори, истеъдоди ва ташаббусларини рағбатлантириш ҳамда ҳаётда ўз ўрнини топишларига кўмаклашиш;

- улар ўртасида маънавият ва китобхонликни тарғиб қилиш (китоб мутолаасини ёшлар ўртасида оммалаштириш мақсадида янги нашр қилинган китоблар тақдимотини ташкиллаштириш ҳамда “Мунозара” интеллектуал ўйинларини ташкил этиш);

- ёшлар ўртасида китобхонлик маданиятини ривожлантириш, китобхонликни тарғиб қилиш ва ривожлантириш;

- ёшларнинг тадбиркорлик ғояларини ва уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг тадбиркорлик соҳасида ютуқларга эришувини рағбатлантириш мақсадида муваффақиятга эришган тадбиркорлар билан учрашувларни ташкил этиш.

3. Лойиҳалар қуйидаги минимал талаблар асосида амалга оширилиши лозим:

а) замонавий архитектура ечимлари ва стандартлари асосида барпо этилган, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун қулай жойлашув ва имкониятларга эга бўлган бино:

- ўзбек ва хорижий тилларда нашр этилган махсус китоблар (қаттиқ ва юмшоқ муқовали, баддий, техник, илмий мавзулардаги) жамланмаси (минимал миқдор 10 минг дона) билан таъминланган;

- ёшларни китобхонликка жалб қилувчи тарғибот воситалари (плакат, баннер, декоратив предметлар) билан жиҳозланган;

- тақдимот, тренинг, маҳорат дарслари тадбирлари ўтказиш учун зарур техник жиҳозлар (бир вақтнинг ўзида камида 50 нафар ташриф буюрувчини қабул қилиш имкониятига эга бўлган стол ва стуллар, йилнинг ҳар қандай фаслида ташриф буюрувчилар учун қулдайлик яратиш мақсадида иситиш ва совитиш мосламалари, тақдимотлар ўтказиш учун зарурий

воситалар – экран, интерактив доска, овоз кучайтиргич, аудиовизуал воситалар, китоб жавонлари, буюк аждодларимизнинг бой илмий-маънавий меросини кенг тарғиб қилиш ҳамда ёшларни илм олишга чорлаш мақсадида юртимиздан етишиб чиққан алломалар тасвири туширилган тарғибот материаллари ва б.) билан таъминланган;

- мутолаа, ҳордиқ, овқатланиш, бепул интернет тармоғига уланган (wi-фи);

- учрашув, конференсия, тақдимот, кўнгилочар тадбирлар ўтказиш имкониятига эга алоҳида хоналари мавжуд;

- бир пайтнинг ўзида қабул қилиш сифими камида 50 кишини ташкил қилиши лозим.

Талаб этилаётган бино иштирокчи томонидан ижара асосида тақдим этилиши мумкин.

Шунингдек, талаб этилаётган бино Тошкент шаҳри марказида, ҳудуднинг исталган нуқтасидан етиб келиш учун қулай (жамоат транспорти ва б. ёрдамида) бўлиши лозим.

б) лойиҳаларнинг кенг ёшлар жамоаси ўртасида оммалашувини таъминлаш юзасидан талаблар:

- ёшлар орасида оммабоп асарларни чоп этиш тажрибасига эга нашриёт мутасаддилари, китоб муаллифлари, ҳаммуаллифлари, таржимони каби соҳанинг етук ва машҳур вакилларининг лойиҳада иштирокини таъминлаш;

- муваффақиятга эришган, йирик ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналари асосчиси, раҳбари бўлган, ижтимоий тармоқларда фаол ва ижобий аудиторияга эга, юқори нуфузли, етакчи ишбилармон, тадбиркор, спикер ва менторлар, илм-фан, адабиёт соҳаси намоёндалари, турли соҳа етакчилари (раҳбарлар), йирик компания (иш берувчилар) вакилларининг лойиҳада иштирокини таъминлаш;

- муваффақиятга эришган, ижтимоий тармоқларда фаол ва ижобий аудиторияга эга бўлган, ёшлар ўртасида ҳурмат ва обрў эътиборга эга, ОАВда фаол бўлган маданият, санъат, спорт соҳаси вакиллари каби таниқли шахсларнинг лойиҳада иштирокини таъминлаш.

Шунингдек, танловда иштирок этувчилар лойиҳани амалга оширишга жалб этиладиган мутахассислар сони, уларнинг малакаси ва иш соатларини кўрсатган ҳолда бажариладиган иш (хизматлар) рўйхатини тақдим этиши лозим.

Ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш лойиҳада иштирок этувчилар томонидан тақдим қилинадиган манзилда амалга оширилади.

Ишлар ва хизматларни бажаришнинг ҳар бир босқичи бўйича танлов ғолиби томонидан мазкур танлов ҳужжатларига мувофиқ Буюртмачига ҳар бир лойиҳа юзасидан ўтказилган тадбирларнинг якуний ҳисоботи (ёзма ҳисобот ҳамда ҳисобот видеоролиги) тақдим этиб боради.

Бажарилган хизматлар ишлар юзасидан ҳар ойнинг 15 санасига қадар ўтган ойда бажарилган ишлар бўйича ҳисобот тақдим этиб боради.

Ҳисоботда бажарилган ишлар, иштирокчи ёшлар ва тадбир меҳмонлари ҳақида ва бошқа маълумотлар баён этилади.

4. Мазкур лойиҳанинг оммабоплигини таъминлаш мақсадида қуйидаги минимал талабларга жавоб берувчи видеорлик тасвирга олиниши лозим.

- иштирокчи аналог кўринишдаги хизмат кўрсатиш тажрибаси (марказий давлат ва/ёки нодавлат телеканалларида эфирга берилган, ёшлар ҳаётига оид мотивацион видеороликлар, оммавий мотивацион, ўқув тадбирлари, онлайн ва оффлайн кўринишдаги ўқувлар ва ҳ.к)га эга бўлиши;

- видеоролик учун танланган мусиқа (агар бўлса) муаллифлик ҳуқуқи асосида бўлиши;

- видеоформат FullHD, 16:9 формат, 25 битрейт ва ундан юқори;

- AAC форматдаги 320 kb/S - стерео овоз сифати талаб этилади.

Тасвирга олиш учун режалаштирилган камера, кўшимча ускуналар (релс, тележка, филтр, фолло фокус, слайдер, skupanel, ARRI HMI, мегабум, dedolight, LED Панел ва бошқалар), кинообъективлар ҳақида маълумотлар тақдим қилиниши лозим.

5. Муаллифлик ҳуқуқлари бўйича талаблар:

Видео материал Буюртмачи ва Бажарувчи ўртасидаги шартнома кучга киргунга қадар, шунингдек, Буюртмачига тақдим этилгунга қадар ОАВ ва бошқа воситалар орқали оммага эълон қилинмаган, тарқатилмаган бўлиши талаб этилади.

Ушбу талабга риоя қилинмаган ҳолларда Буюртмачи томонидан видеоматериаллар

қабул қилинмайди

Видео материални яратишнинг барча босқичларида маҳсулотни яратувчи амалдаги қонунчиликка риоя қилган ҳолда видео материалдаги тасвирлар, ёзув кўринишидаги матнлар, товушлар, муסיқалар, овозлардан фойдаланиш талаб этилади. Такдим этилган видео материалда муаллифлик ҳуқуқлари бузилган ҳолатда, қайта таҳрир қилиш талаб этилади. Бунинг иложи бўлмаган тақдирда видео материал Буюртмачи томонидан қабул қилинмайди.

Видео маҳсулотни ишлаб чиқувчилар видеонинг бошланғич қисмида буюртмачининг логосини жойлаштириши талаб этилади.

Бажарувчи видео материалларни яратиш доирасида юзага келадиган мажбуриятларни ўз кучи ва/ёки ташқи манбадан ресурс (мутахассис, техника, оутсорсинг) жалб қилган ҳолда амалга ошириш ҳуқуқига эга.

Шу билан биргаликда, ишлаб чиқилган видео материаллар ишлаб чиқувчининг муаллифлик ижодий мулки ҳисобланиб, танлов тасдиғидан ўтган видео материалларга нисбатан Буюртмачи улардан эркин фойдаланиш ва тарқатиш ҳуқуқига эга бўлади.

6. Лойиҳада иштирок этиши кўзда тутилган ишбилармон-тадбиркорлар, спикерлар, менторлар, муаллифлар, таржимонлар, нашриётлар (бундан буён матнда таниқли шахслар деб юритилади) юзасидан талаблар:

- соҳада катта билим ва тажрибага эга, муваффақиятга эришган ҳамда ёшлар орасида катта ҳурматга сазовор бўлган таниқли шахслар, нашриёт уйлари;

- ижтимоий тармоқларда фаол ва ижобий аудиторияга эга бўлган, ёшлар ўртасида ҳурмат ва обрў эътиборга эга бўлган;

- ОАВда (ТВ, ижтимоий тармоқлар ва ҳ.к) фаол ҳамда ижобий репутацияга эга бўлган;

- юқори нуфузга эга бўлган маданият, санъат, спорт соҳаси вакиллари, муваффақиятга эришган етакчи ишбилармон, тадбиркор, спикер, менторлар, илм-фан, адабиёт соҳаси намоёндалари, турли соҳа етакчилари (раҳбарлар), йирик компания (иш берувчилар) вакиллари;

- Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида тақиқланмаган фаолият турига (контент, аудитория ва ҳ.к) эга бўлиши лозим.

Таниқли шахсларнинг лойиҳада қатнашуви юзасидан барча мажбуриятлар иштирокчи томонидан амалга оширилади. Буюртмачи таниқли тадбиркорлар ва бизнес тренерларнинг мазкур лойиҳада қатнашиши бўйича розилиги юзасидан ҳеч қандай мажбурият олмайди.

Иштирокчи томонидан такдим қилинган рўйхатдаги таниқли шахслар лойиҳада қатнашиши учун харид комиссияси томонидан танлаб олинади.

Шунингдек, рўйхатдаги таниқли шахсларнинг лойиҳада иштироки юзасидан Буюртмачи томонидан қўшимча маълумот талаб қилиниши, рўйхатдаги таниқли шахслар сонига, таркибига ўзгартириш, қўшимча киритиш талаб қилиниши, рўйхатдаги таниқли шахсларнинг жамиятдаги тутган ўрнига қараб рад қилиниши мумкин.

Мазкур талаблар иштирокчи томонидан қисман ёки тўлиқ бажарилмаган, рад этилган ёки эътиборсиз қолдирилганда иштирокчи танловдан четлатилади.

Лойиҳада иштирок этувчи таниқли шахсларнинг розилиги олинмасдан ҳужжатлар топиширилиши - иштирокчининг харид комиссияси томонидан танловдан четлатишга асос бўлади.

Танлов якунига кўра ғолиб деб топилган иштирокчи томонидан такдим қилинган рўйхатдаги таниқли шахсларнинг иштирокчи томонидан ўзгартирилиши, алмаштирилиш, лойиҳа мазмунига алоқадор бўлмаган мавзуда, аввал ишлатилган кадрлардан фойдаланилиши каби ҳолатларнинг кузатилиши шартнома шартларини кўпол равишда бузилиши ҳисобланиб, шартномани бекор қилишга ва қонунда белгиланган тартибда жарима қўлланилишига асос бўлади.

7. Амалга оширилиши режалаштирилган лойиҳалар юзасидан умумий талаблар:

а) тарғибот воситалари таркибида:

- ёшлар саводхонлигини оширишга қаратилган, юртимизнинг илмий-маънавий меросини тарғиб қилувчи, ёшларни илм олишга чорловчи тарғибот материаллари;

- маълумотларни эълон қилиб боровчи замонавий қурилмалар (интерактив доска, монитор, овоз кучайтиргич, аудиовизуал воситалар ва ҳ.к);

- китоб жавонлари бўлиши лозим.

б) ташкил қилинадиган маданий тадбирларни юқори савияда ўтказиш мақсадида ташриф буюрувчи ёшлар учун қулай имкониятлар тақдим этиш мақсадида:

- учрашув, конференция, тақдимот, кўнгилочар тадбирлар ўтказиш имкониятига эга алоҳида хоналар;

- юқори сифатли мебел жиҳозлар тўплами;

- юқори сифатли хизмат кўрсатиш персонал мавжуд бўлиши лозим.

Ҳисобот-тақдимот ролиги давлат/нодавлат марказий ОАВ ва ижтимоий тармоқларда эълон қилиб борилиши, ёшлар қамрови 50 нафардан кам бўлмаслиги талаб этилади.

в) тақлиф қилинган таниқли шахслар билан ҳамкорлик юзасидан:

- ҳамкорлик қилиниши мўлжалланган таниқли шахслар рўйхати;

- лойиҳада иштирок этиши режалаштирилган шахслар билан ҳамкорликни тасдиқловчи ҳужжат (ҳамкорликни тасдиқловчи ҳужжат, ёки шартнома ва б.) нусхаси;

- мазкур таниқли шахслар билан амалга оширилган лойиҳалар тўғрисида тасдиқланган маълумот тақдим қилиниши лозим.

Мазкур ҳужжатлар иштирокчи томонидан танлов ҳужжатларини топшириш даврида Буюртмачига тақдим қилиниши лозим

8. Амалга ошириладиган лойиҳалар ва мазкур лойиҳалар доирасида қилинадиган ишлар:

1.	Ёшлар ўртасида китобхонликни кенг оммалаштириш ҳамда “Китобсевар миллат” умуммиллий ғоясини рўёбга чиқариш мақсадида ёшларнинг бўш вақтларида мутолаа билан шуғулланишлари учун шароит яратиш, уларнинг китоб мутолаасига бўлган қизиқишларини орттириш мақсадида китоблар жамланмаси билан таъминлаш
2.	Китоб мутолаасини ёшлар ўртасида оммалаштириш мақсадида янги нашр қилинган китоблар тақдимотини ташкиллаштириш*
2.1.	<i>Тарғибот воситалари (плакат, баннер, декоратив предметлар ва ҳ.к.)</i>
2.2.	<i>Ҳар бир лойиҳа доирасида 50 нафар ёшлар иштирокини таъминлаш, қатнашчилар учун эсдалик совғалар тақдим қилиш</i>
2.3.	<i>Ёшлар орасида оммабоп асарларни чоп этиши тажрибасига эга, муваффақиятли наشريётлар, муаллифлар, таржимон ва бошқалар иштирокини таъминлаш</i>
2.4.	<i>Ўтказилган лойиҳалар натижаси юзасидан ОАВ ва ижтимоий тармоқлар учун ҳисобот-тақдимот ролиги тайёрлаш ва эфирга узатиш</i>
3.	Хорижда ва юртимизда ёшлар орасида катта шуҳрат қозонган, илм-фан, тадбиркорлик, адабиёт, санъат ва маданият соҳасида улкан муваффақиятга эришган нуфузли шахсларнинг ҳаёт йўли, муваффақият тарихи ҳамда улар томонидан ёшлар ўқиши учун тавсия этилган китоблар рўйхати ва бурчаги ташкил қилиш
4.	Ёшлар ўртасида саводхонлик, нотиклик маҳоратини ошириш мақсадида Мунозара клуб лойиҳаси фаолиятини йўлга қўйиш*
4.1.	<i>Тарғибот воситалари (плакат, баннер, декоратив предметлар ва ҳ.к.)</i>
4.2.	<i>Ҳар бир лойиҳа доирасида 50 нафар ёшлар иштирокини таъминлаш, голиб жамоани аниқлаш ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирлаш</i>
4.3.	<i>Юқори нуфузга эга, муваффақиятга эришган етакчи ишбилармон, тадбиркор, стикер, менторлар, илм-фан, адабиёт соҳаси намоёндалари, турли соҳа етакчилари (раҳбарлар), йирик компания (иш берувчилар) вакиллари иштирокини таъминлаш</i>
4.4.	<i>Ўтказилган лойиҳалар натижаси юзасидан ОАВ ва ижтимоий тармоқлар учун ҳисобот-тақдимот ролиги тайёрлаш ва эфирга узатиш</i>
5.	Ёшларнинг ёшлар ишбилармонлигини қўллаб-қувватлаш, уларнинг ўз соҳасида муваффақиятга эришишларига кўмаклашиш ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш мақсадида “ишбилармон ёшлар” (ишчи номи) лойиҳасини йўлга қўйиш*
5.1.	<i>Тарғибот воситалари (плакат, баннер, декоратив предметлар ва ҳ.к.)</i>
5.2.	<i>Ҳар бир лойиҳа доирасида 50 нафар ёшлар иштирокини таъминлаш, фаол ёшлар</i>

	<i>учун етакчи тадбиркорларнинг пулли тренинг, ўқув, дарсларига қатнашиши харажатларини қоплаб бериш имкониятини тақдим қилиши</i>
5.3.	<i>Юқори нуфузга эга, мувафаққиятга эришган етакчи ишбилармон, тадбиркор, спикер, менторлар, илм-фан, адабиёт соҳаси намоёндалари, турли соҳа етакчилари (раҳбарлар), йирик компания (иш берувчилар) вакиллари иштирокчини таъминлаш</i>
5.4.	<i>Ўтказилган лойиҳалар натижаси юзасидан ОАВ ва ижтимоий тармоқлар учун ҳисобот-тақдимот ролиги тайёрлаш ва эфирга узатиш</i>
6	Лойиҳа тарғиботи учун видеоролик тасвирга олиш ва эфирга узатиш

Лойиҳалар ҳар ойда камида икки мартаба ўтказилиши лозим